

«Темур Кўрагон... агарчи назм айтмокка илтифот
килмайдурлар, аммо назм ва насрни андок хўб
махал ва мавкеда ўкубдурларким, анингдек бир
байт ўкуғони минг байт айтконча бор...”

Мир Алишер Навоий

Куёш нури кирмаган хонадон, унинг нуридан бахраманд бўлмаган инсон йўқтур бу ёруғ
жахонда. Куёш тун ҳукмидаги титрок табиатни авайлаб уйготади. Дардларига малҳам
беради. Таъбир жоиз бўлса, оқиллик ва адолат билан юрт сўраган ҳукмдорларни куёшга
киёслаш мумкин. Мамлакатда мавжуд барча соҳалар ҳукмдорнинг меҳр нури билан
йўғрилсагина бу юрт доруломон бўлажак. Тарихда жаҳонгирлар кўп ўтган, ҳукмдорлар
унданга кўп. Аммо уларнинг саноклиси бундай фазилат эгаси бўлган. Не шодким,
Сохибкирони акбар Амир Темур Кўрағони сафдар шундай мартабадаги улуг ҳукмдор
эдилар. Тарих шохиддур: ҳеч бир соҳа йўқки, Сохибкирони акбарнинг меҳрларидан
бебаҳра колса. Туркий тил ва адабиёт шулар жумласидандир.

Тилимиз ва адабиётимизни янада юксак чўккиларга кўтара олган, теурий
шахзодаларнинг замондоши ва сафдоши Мир Алишер Навоий ҳазратлари Темур
Кўрагоннинг муборак номларини «Мажолисун нафоис»нинг еттинчи мажлисида бежиз
тилга олмаганлар. Ҳақиқат шулки, муаззам иморат курмок учун мустаҳкам пойдевор
зарурдир. Туркий тил ва адабиётнинг муаззам биниси пойдеворининг мустаҳкам
бўлишида Сохибкирони акбарнинг хизматлари улугдир. Гарчи Сохибкиронга қадар ҳам
аҳли илм ва аҳли шуаро томонидан туркий тил ва адабиёти равнаки учун кўп ҳаракатлар
килинган, чунончи, олимлар тил хусусида илмий асарлар, шоирлар эса бу тилда гўзал
шеърлар ёзган бўлсалар-да, бу ҳаракат айниқса чингизийлар босқинидан сўнг
суствлашгани, «туркий тилда давлат юритмак ёки шеър айтмак дуруст эмасдур», деган
хато тушунчанинг ҳукм сура бошлагани тарихдан маълумдир. Сохибкирон Амир Темур
замони бу бемаъни тушунчага барҳам берди. Бу хусусда Мир Алишер Навоий
ҳазратлари «Муҳокаматул-лугатайн»да айтурларким: «Темур Кўрагон замонидин
фарзанди халафи Шохрух султон замонининг охиригача турк тили била шуаро пайдо
бўлдилар. Ва ул ҳазратнинг авлод ва аҳфодидин ҳам хуштаб салотине зухурга келди:
шуаро Саккокий ва Хайдар Хоразмий ва Атоий ва Муқимий ва Яқиний ва Амирий ва
Ғадойидеклар. Ва форсий мазкур бўлгон шуаро муқобаласида мавлоно Лутфийдин
ўзгаким, бир неча матлаълари борким, табъ аҳли қошида ўқиса бўлур. Ул жумладин
бири будурким:

Улки хусн этти баҳона элни шайдо қилгали

Кўзгудек қилди сени ўзини шайдо қилгали».

Ҳазрат Сохибкирони акбарнинг тил ва адабиёт ривожига бефарқ карамасликларида
жон бордир. Яъниким, болаликданок хуштаб бўлган Амир Темур ҳазратларининг ҳарб
санъати билан бир қаторда илмга, адабиётга рағбатлари юксак эди. Хофизалари ҳам
ўткир эдиким, Куръони Қаримни ўқийлди тўла ёд олганлар. Ҳам ўнг қўлда, ҳам чап
қўлда бирдай хат ёза оладиган боланинг зехнидан ажабланган устоzi мулла Алиқбек
«Бу ўғлунгнинг хуш хофизаси, икки қўллаб хат ёзиши қизиқ. Ривоятларга кўра, икки
қўллаб хат ёзгон киши дунёга қун чиқардан қун ботарга қадар ҳоким ва фармонраво
бўлар, инша Аллоҳ!»- демиш эканлар.

Ҳазрат Сохибкирон болаликларида бир неча устоздан сабоқ олганлар. Сабоқ бериш
маълум нуктага етгач, устозлар Темурнинг зехни олдига ожизликларини англаб,
улуғрок устозларга йўллаганлар. Устоз Абдуллоҳ Қутб номаси билан устоз Амир

Кулолга учрашганларида ажиб бир сухбат содир бўлганини ровийлар хикоя киладилар. Устоз хузурларидаги мажлис ахлига сўзларини айтиб бўлганларидан сўнг номани ўкиб, Темурни якинларига чорлабдилар:

«Кел, йигитча, ёнимга ўлтур,-дебдилар устоз,-Сени якиндан яхшироқ кўрай. Мен отангинг исмини эшитганман, аммо ўзини кўрганим йўқ. Абдуллох Кутб ёзибдики, сен хофизи Куръон эмишсан ва яна донги чикгон араб, ажам шуаросининг шеърларини ўкур эмишсан?»

«Вокеан шундай, устоз хазрат», -дебдилар бўлажак жахонгир.

«Ахсанта! У холда сен Ашъининг шеърларини ҳам билурмисан?» -деб сўрабдилар устоз.

«Билурман, устоз хазрат, аммо шеърларини суюб ўкимасман.»

«Ажаб!? Нечун ўкимассан?»

«У зотнинг шеърлари аксари газал ва ташбихдир. Мен ташбих шеърларидан нафрат килурман.»

«Сен бир фозил йигит бўла туриб ташбих газаллардан нафрат килишинг кизик. Ташбих шеър шуаро урфони асрорларига бир василадир. Кош, кўз, хол, май, маъшук каби истилохатларни билмак урафоларга хос бўлуб, бу сулукдан ташкаридаги кишилар бундаги рамузотларга махрами роз бўлмаслар.»

Амир Кулол шундай дегач, Ашъи газалларидан бирини ўкибдилар. Темур эса ўшал захоти ўн байтни ёддан айтиб берибди. Шунда мажлис ахлидан бир киши туриб:

«Эхтимол Ашъининг мазкур газалини бу йигитча аввалроқ ёд олгандир. Мен унга янги шеъримни ўкиб берайин, бир дафъа ўкигонимда кайтиб ўкиб бера олса, вокеан хорикул одат ёд олиш қобилиятига эга бўлган бўлур», -деб шеърини ўкибди. Етти байтлик шеърни Темур ёддан кайтариб айтгач, Амир Кулол кўлларини унинг бошига кўйганлари холда дебдиларким:

«Мен бу йигитнинг пешонасида улугворлик кўрамен. Бу йигит бир макомга етгайки, мундан илгари ҳеч кишига муяссар бўлмагон бўлгай. Мен каби яшаган одамга бу йигитнинг сутуват ва азаматини кўрушлик имкони бўлмаса ҳам, ахли мажлисдан тирик қолгонларидин Темур номли йигитнинг оламгирлигини кўрган ва эшитганлари бўлгай, инша Аллох!»

Шу сўзларни айтгач, Амир Кулол ходимида буюриб, бир табокда етти қулча олдиртириб келиб, қулчаларни Темурга узатиб яна дебдиларким:

«Кешга боргонингда ушбу тўқочларни ҳар биридан бир тишламдан еб, қолгонини саклаб кўйгил, келажакда дунёнинг етти иклими сеники бўлгай, инша Аллох!»

Амир Темур зиммасида улуг бир вазифа мавжуд эди. Бир пайтлар гуллаб-яшнаган, илм ва маданиятда дунёнинг сарварларидан бўлган, чингизийларнинг босқинидан сўнг эса барча соҳаларда таназзулга юз тутган мамлакат қаддини расо айлашдай машаққатли аммо шарафли вазифани Сохибкирони акбар Амир Темур Кўрағони сафдар бажардилар. Ҳазрат Сохибқирон мамлакат фақат қиличга эмас, балки илмга суянилган холда бошқарилиши лозимлигини англаб иш юритганлар.

Ҳазрат Амир Темур Кўрагон йигитлик даврининг иқтизосига кўра от чопмок, ўк отмок, қилич ва найза урмок ва қураш тушмокка ҳарис бўлсалар-да, илм тахсилидан гофил турмаганлар. Ўшал онларда мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маснавий», шайх Махмуд Шабустарийнинг «Гулшани роз» асарларини мутолаа қилганлар. «Маснавий»ни ўқигон онларида ёзғувчиси билан фикран баҳс юритар эдилар, сабабки, ундаги айрим баёнларни тўғри деб топмас эдилар. «Гулшани роз»ни ўқиш эса лаззат бағишлар эди. Ровийлар дерларким, бу китобни ўқигонларидин сўнг орадан кўп йиллар ўтуб,

Озарбайжонга мусаллат бўлгонларида Махмуд Шабустарий китоби колдирган таъсирга эхтироман Шабустар шахри ахлига риоят килдилар. Хазрат Амир Темур лашкари Шабустарга кириб борганида ахоли кочиб кетган эди. Хазрат СохибкIRON «Шабустар ахолисининг моли-жони омондур», деб жар солдирдилар. Шахар ахли Темур Кўрагоннинг ёлгон сўзламаслигига эътиқоди бор учун жойларига қайтдилар. Хазрат СохибкIRON амри билан хар бир эр-хотунга беш мисколдан, жаъми ўн саккиз минг беш юзу беш мискол олтин улашилди. Вақтики «Гулшани роз» асарини ўқиган чокларида Хазрат СохибкIRONга яширин хикматлар таслим бўлган, ана шу боис улуг аллома дунёга келган шахар ахли Амир Темур мурувватига етишган эди.

Муаррихлар ёзарларким, Хазрат СохибкIRONи акбар болалик чокларидан то сўнгги нафасларигача донишманд уламо, шуаро, ахли санъат, хунармандларга озор еткурмаганлар. Хар вақт бир мустахкам шахарни жанг билан тасарруф килсалар-да, ахли илм, ахли хунарни ўлумдан сакламакка амр берар эдилар. Бирор галат билан бу одамларга азият етиб колмаслиги учун шахсан ўзлари мурукабада бўлур эдилар. Бу одамлар хаттоки кофир бўлсалар-да, Хазрат СохибкIRONнинг мурувватларидан бахра олар эдилар.

Ровийлар дерларким, Амир Темур Кўрагон Шерозга дохил бўлганларида уламолар билан мажлис барпо килмасларидан бурун Шамсуддин Мухаммадни олиб келишни буюрдилар. Бир оз фурстадан сўнг қари, бели дол қарияни бошлаб келдилар.

-Шамсуддин Мухаммад Шерозий сиз бўлурмисиз?- деб сўрадилар СохибкIRON лутф ила.

-Бале, ўшал мендурман,-дедилар Хофиз.

-Мен сизни бир кўрмакни, шунинг баробаринда бахс юритмакни ихтиёр эттим,-дедилар СохибкIRON ва давом килдилар:- Сиз газалларингизнинг бирида айтибсизки:

Худоро, мухтасиб, моро бо овози дафу най бахш,

Ки сози шаръ з-ин афсона беконун нахохад шуд.

-Бале, эй амири фотих, мен бу шеърни айтган эрдим.

-Сиз бу шеърингизнинг динга ихонат келтуришини билурмисиз? Мен бу байтда куфрни кўрмакдамен.

-Эй амири фотих, менинг касдим ихонат эмас, бу байтдаги афсонадан муродим - даф ва найнинг овози эди. Даф ва най овози ахамиятсиз нарсадурки, диннинг арконларига ҳеч қандай тазалзул келтиролмас, демакчиман, ҳалос.

-Ахли авом бу фикрингизни укмас. Сиз унда динга ихонат килгансиз. Ўзга фикрга ўрун йўқтур. Сиз дебсизки:

Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро

Ба холи хиндуяш бахшам Самарканду Бухороро.

-Бале, шундок,-дедилар Хофиз итоат ила.

-Мен бу кентларни обод килмокка саъй-ҳаракат килгоним ҳолда, сизнинг осонгина, биргина ҳол учун ҳадя этуб юбормогингиз ажаб ҳолдур.

-Эй амири фотих, сиз - подшосиз. Мен эрсам шоирманки, қалбим гоят кенгдир.Кўнглум ром этилур экан, икки шаҳар эмас, дунёни инъом этгумки, шу боис ҳам кўруб турганингиз - фақирдурмен. Хотамтойлигим мени шу қуйга солди.

-Дуруст. Сиз ўз ашъорингизда ёдлаган Самарканду Бухорони кўрушга майлингиз борми?

-Эй амири фотих, йигитлик чоғимда Самарканд ва Бухорони кўрушлик орзусида бўлур эдим. Эмди қаридим. Сафарга чиксам, мақсадга етолмай ўлуб қолишим мумкин. Етиб борғоч ҳам юртим Шерозни кўролмай қолмоғим эҳтимоли бор.

-Эй Шамсуддин Мухаммад, сиз Шероздан бошка жойни кўрмаганингиз учун тасаввур киласизки, Шероздан гўзалрок жой дунёда йўқ деб. Сизнинг Шерозингиз менинг Самаркандимга караганда кичик, ахамиятсиздир. Самарканд илгаридан тортиб дунёнинг гўзал шаҳарларидан эди. Сизнинг Шерозингизда биргина каттарок жомеъ, олтигагина масжид воқе бўлса, Самаркандда икки юздан зиёдрок жомеъ масжиди мавжуддир.

Шамсуддин Мухаммад Самаркандга бормокка ризолик бермадилар. Бу одам зикр этилмиш байт туфайли Амир Темур назарларида муртад кўринишида бўлса-да, унинг ахволини факирликдан чиқариб, фаровон ҳаёт кечурмаклари учун бир минг динор тилла бердилар.

Амир Темур Кўрагоннинг улуг фазилатларидан бири - Тангри раҳматига етган фозиллар хотирасини ҳамиша шарафлаганлар. Туркистон шаҳрида кад ростлаб турган Аҳмад Яссавий макбаралари фикримиз далилидур. Бу макбара ҳазрат СохибкIRON амри билан кад ростлаган.

Муаррихлар дерларким: Амир Темурнинг Хуросонга келишида уч нукта бор эди. Бири - Нишопур тасарруфи, иккинчиси - Сабзавор тасарруфи, учинчиси эса Бушравия шаҳрини кўрмак эди. Бушравия халкининг аҳли илмлардан эканликлари, донишмандлари ҳам пешона тери тўқуб маош ўтқузиши каби таърифларни ҳазрат СохибкIRON эшитиб эдилар. Темур Кўрагон Тус шаҳрида икки ҳафтани ўтқуздилар. Шунда ёшликларидан тортиб шеърларини ўқуб юрган Фирдавсийнинг Тусда дафн этилганлари хотираларига келди. Унинг вафотида рофъазийлик шухрати борлиги учун мусулмонларнинг кабристонига кўмдуришмаганмиш, деб эшитиб эдилар. Бу сўзларни таҳкик қилмоқ учун у зотнинг қабрларини кўрмоқни ихтиёр этдилар. Мусулмонлар тарафдан мувофакат бўлмоғи учун ўз боғига дафн қилгон эмишлар, деган сўзларнинг рост-ёлгонини билмак учун Фирдавсийнинг боғига бордилар. У ерда боғдин асар кўрунмади. Факат ўтлар ўсуб ётгон вайрона эрди. Ердан бир озгина кўтарилиб турган туфрок тўдасини «Шу Фирдавсийнинг қабри», -деб кўрсатдилар. Вайрон бўлуб ётгон қабрни Тус халқи бирор тош қўюб белгиламаганлиги, агар рофъазий бўлса ҳам, улуг шоирнинг қабри бундай матрук ва махжур қолиши Ҳазрат СохибкIRONни бир хийла ҳаётотга олиб кетди. Дарҳол амр қилдиларки, қабрнинг устига тош териб, қабр эканлигини билдириб қўйгайлар. Ўша йили бир сабаб билан Сабзавор ҳаракати тўхтатилди. Орадан фурсат ўтуб Сабзавор тасарруфи мақсадида йўлга чиққанларида яна Тус шаҳрида Фирдавсий мазорига қўйилган тошни мушоҳада қилмоқга бориб, бу тошга арабча қилиб шоир исм-насабларининг ёзилганини кўрдилар. Дедиларким: «Фирдавсий ўз шеърларини форсий тилда тараннум эткон эрди, ёзув ҳам форсийда бўлмоғи даркор...»

Бу лавҳалардан аён кўринарким, Ҳазрат СохибкIRON уламоларнинг хотираларини шарафлаб, шуаро ва фан аҳлини мусулмон ё кофир демай, иноят қилур эдилар. Айниқса ўз мамлакатларидаги аҳли назм, аҳли илмга беадад мурувват кўрсатиб эдилар. Дер эдиларким: «Билингким, ҳар бир истеъдод Тангри таоло томонидан берилган атоёлардандир. Аммо сиз уни тарбия қилмоғингиз лозимдур.»

Муаррихлар гувоҳлик берарларки, Ҳазрат СохибкIRONи акбар тил ва адабиёт раўнақиға ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир этганлар. Шарофиддин Али Яздийнинг айтишларича, амир Темур бош девонида «Манзумаи турк» асари тузилган, асар ёзилаётганида унинг лавҳаларини Темур Кўрағони сафдар шахсан ўқуб, тузатган, таҳрир этган эканлар.

Аввал зикр этганимиз ҳазрат Алишер Навоий ёзганларидек, СохибкIRONи акбар

даврларида туркий тил ва адабиёт мислсиз раванакка етиша бордиким, буни ўнлаб туркигўй шоирларнинг ижоди исбот этади. Хукмдорнинг меҳр-муруввати канотлари остида тил ва адабиётнинг гуркираб яшнаши табиий бир ҳолдир. Бу даврдан эътиборан туркий адабиёт мазмунан ва шаклан ортик ривожланди ва бадиий асарларнинг турлари кўпайди. Назмнинг фард, рубоий, туюк, китъа, газал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, касида, маснавий турлари, насрнинг муарро, муражжаз ва мусажжаъ турлари янада кўпроқ қўллана бошланди.

Сохибкирон ва у зотдан кейинги темурийлар даврида туркий олий даражадаги тилга айланди ва кўплаб мохир туркигўйлар вужудга келди. Фикрнинг далили учун Мавлоно Хожи Абулхасан, Наъимий, Тархоний, Нозукий, Лутфий, Якиний, Отойи, Мукимий, Латифий, Саккокий, Мирзо Хожи Сугдий, Мавлоно Билол, Мухаммад Алий, Мирзо Алийбек, Мавлоно Осафий...ларнинг номларини эсламакнинг ўзи кифоя. Улар битган сатрлар-чи? Дейлик, Мавлоно Осафийдан:

Юз балолар кўрдум ул ором-и жондин кўрмадум,
Икки кўзумдин йамонлик кўрдум, андин кўрмадум.

Ёхуд Мавлоно Якинийдан:

Охким, жонимга еттим йори нодон илгидин,
Доду фарйод ул жафочи офати жон илгидин.

Гарчи Амир Темурнинг шеър битганлари хусусинда маълумот йўқ эса-да, авлодлари - темурий шахзодалар, маликалар орасида шоир ва шоираларнинг кўплиги маълум ва машҳурдир. Абобакр Мирзо, Халил Султон, Бойсунгур Мирзо, Саййид Ахмад Мирзо, Фаридун Хусайн Мирзо, Султон Масъуд Мирзо, Султон Алий Мирзо, Абулғозий Султон Хусайн Баходурхон, Захириддин Бобур, Зебуннисо бегим, Гулбадан бегим... Шарафли хадисда таъкид этилганидек, яхши одатлар, хусусан, мухаббат ва эзгулик ҳам кондан конга, яъниким авлоддан авлодга ўтар экан. Шахзодалар ва маликалардаги адабиётга мухаббат ҳам эҳтимол шундан бўлса ажаб эмас.

Темурий шахзодалар орасида назм чўккисига етганлардан бири - шубҳасиз Захириддин Мухаммад Бобурдир. У муборак зот ўзларининг узок йиллик машаққатли курашлари, сафарлари мобайнида ҳам шеърдан узоклашмадилар. Муаррихлар дерларким, шох Бобур ҳатто фармонлари хошиясига ҳам баъзан байт битар эканлар.

Мирзо Бобурнинг «Бобурнома» асари факатгина жўгрофий ёки тарихий нуктаи назардан эмас, балки тил ва адабиёт тарихига оидлиги билан ҳам бебаҳо хазинадур. Аввало бу асарда Мирзо Бобур туркий тилнинг насрдаги бекиёс даражадаги имкониятларини намоён этганлар. Ундан ташкари тарихий шахслар хусусинда сўз кетганида унинг адабиётига бўлган муносабати албатта зикр этилганким, кўпгина шахзодаларнинг ва умароларнинг назмда калам тебратганларини айнан шу асардан билса бўлур.

«Хусайн Бойкаро... табъи назми бор эрди. Девон ҳам тартиб килиб эрди. Туркий айтур эрди. Тахаллуси «Хусайний» эрди. Баъзи байтлари йамон эмасдур, вале Мирзонинг девони бир вазндадур.»

«Бойсунгур Мирзо. Султон Махмуд Мирзонинг иккинчи ўғлидур. Настаълик хатини хейли хўб битур эрди. Шеърни ҳам тавра айтур эрди.

Самаркандда Бойсунгур Мирзонинг газаллари онча шоеъдурким, кам уй бўлгай эдиким, Мирзонинг ашъори ул уйда бўлмагай эрди.»

Темурий шахзодаларнинг ахли таъби умаролари ҳам назм гулшанини бойитганлар. Бобур Мирзо темурий шахзодалар хусусинда сўз юритар эканлар, умароларнинг

шакл-шамойили хам каламга оладилар. Хусусан, Султон Ахмад Мирзонинг умароларини шундай таъриф этадилар:

«...Яна бири Ахмад Хожибек эрди. Хуштаъб ва мардона киши эрди. «Вафой» тахаллус килур эрди. Сохиби девон эрди. Шеъри йамон эрмас эрди.

Мир Алишер Навоий Хирийдin Самаркандга келган фурсатлар Ахмад Хожибек била бўлур эрди.

Яна бири Дарвишбек эрди, Таъби назми бор эрди. Муסיкий илмидин бохабар эрди, соз хам чолур эрди.»

Сохибкирони акбар авлодларига факат мамлакатни эмас, калам ахлига бўлмиш меҳрни хам мерос килиб колдириб кетган эканлар. Айтурларким, Мир Алишер Навоий хазратлари «Хамса»ни ёзиб тугатиб, Хусайн Бойкарога такдим этганларида подшо шоирни «пирим» деб атаб, ок отга ўтказганлар. Шоир ок отда, подшо пиёда Хирот кўчаларидан ўтган эканлар. Хусайн Бойкаро шоирга бўлган меҳрларини шу тарзда ифода этган эканлар. Бу воқеани рамзий маънога кўчирсак, теурийлар даврида адабиёт ана шундай эъзозда бўлган ва ана шу эъзоз туфайли хам ўзбек адабиёти жахон маданияти тарихининг шохсупасига кўтарила олган.

Дунё кўп хукмдорларни кўрди. Дунёни вайрон килганлар хам кўп бўлди. Обод килганлар эса саноклидур. Ана шу саноклилар сардори хазрат Сохибкирони акбар эканликлари шубхасиздир. Ажнабий муаррих Херман Вамбери дерки:

«Теуор Осиёнинг хамма кисмидан хадсиз-хисобсиз хазина ва бойлик йигди, лекин уларни хасис одам каби сакламади. Бунини биринчидан, саройининг бой ва хашаматлилиги, иккинчидан эса хам ўз кароргоҳини, хам ўз шахрини безаб турувчи гоят улкан ва мухташам бинолар курдиргани исботлайди. Шунинг учун хам Теуорни Чингизхон билан бир каторга кўйиб уни ёвуз, ўзбошимча, мустабид хоким деб атовчиларнинг фикрлари икки томонлама хатодир.»

Афсусларким, ўтмиш жамият халк онгига ана шу икки томонлама хато фикрни сингдирмокчи бўлди. Не шодким, ўтмиш жамият бу хато фикрларини ўзи билан бирга кўмилмиш кабрига олиб кетди.

Муаррихлар дерларким:

«Ясугай Баходурнинг ўгли тугулгонда кўлу мушти конли эрди. Яна шуки, муштида бир кафт котиб колгон кон бор эрди. Бу шундан далилким, вақт ўтиши билан замон ахлини катл этур, кўплаб подшоларни аёк ости килур, Худодан бошка хамма унинг кўл остида хор бўлур. Унга Теучин деб исм бердилар. Сўнгра уни Чингизхон атадилар.»

Муаррихлар дерларким:

«Амир Теуор Сохибкирони акбар тугилаётганларида хар тўрт мусалласа улуг юлдузларидан хар бир мусалласада ўн икки бор кайтиб кирон килгон эрди. Шу сабабдин хам хакимлар у зотни «Сохибкирони акбар», яъниким, бахти кулгон, бахтли соатда тугилгон деб номладилар.»

Шукрларким, бахтли соатда тугилгон инсон улгайгач, бахти кулгон халкка подшоҳ бўлди. Замон шамоллари неча доврукли номларни губорга кўмиб ташлади. Неча номлар тарих сахифасига кора билан ёзилди. Замонлар неча табаррук номлар юзига кора чапламокни ихтиёр этдилар. Аммо балчик чаплагани билан дуру гавхар ўз кимматини йўкотмагани, олтин эса зангламагани каби бу номларни халк калбида ардоклаб асради. Хазрат Сохибкирони акбар Амир Теуор Кўрагони сафдарнинг муборақ номлари шулардан биридир. Валлохи аълам.

Муножот: Йа, роббимиз Аллох! Фоний дунё саодатини инъом этган бу бандангга бокий

дунё саодатини хам бергайсан. Омийн! *Тохир Малик*